

Бировларнинг ҳожатини чиқаришга шошилишлар!

15:11 / 28.04.2017 2648

Саъид ибн Оснинг ўлими яқинлашганда, фарзандларига шундай деди: “Эй ўғилларим, мен вафот этганимдан кейин жигаргўшаларим бўлмиш ака-укаларимдан ажралиб кетманглар. Мен уларга қандай муомала қилган бўлсам, сизлар ҳам шундай муомала қилинглар. Уларни ўз муаммолари юзасидан бировларга мурожаат этишга мажбур қилиб қўйманглар. Кимки бировдан бирор ҳожатини сўраса, изтиробга тушади, ҳаяжонланиб, тили айланмай, каловланиб қолади. Бундай одамнинг айтмоқчи бўлган гапини юзидан билиб олса бўлади. Уларга сўрамасларидан олдин сўрамоқчи бўлган нарсаларини беринглар. Мен ҳеч кимни тўшагига ётаётганда эҳтиёжлари ҳақида ўйлашни истамайман. Қўлингиздан келганича уларни бундай аҳволга тушиб қолишларидан қутқаринг. Мен бир кишига бирор нарса берсам, минг ҳижолат билан сўрашининг эвазига беришни ёқтирмайман. Улар сўрамасидан олдин мушқули борларнинг мушқулини осон қилишга, ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаришга шошилишлар”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси